

# **БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ЎЗ УСТИДА ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ**

*Шакарбоева Шахноза Абдулакимовна*  
*Жиззах давлат педагогика институти “Умумий психология”*  
*кафедраси ўқитувчиси*  
*Мажидова Тўлганой Усмон қизи Педагогика ва психология йўналиши 1-*  
*курс магистри*

**АННОТАЦИЯ:** Мазкур мақола бўлажак ўқитувчиларда ўз устида ишлаш фаолиятини тарбиялашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари мавзусига бағишланган. Шунингдек, мақола матнида педагогик фаолиятда ўз устида ишлаш қобилиятига таъсир этувчи психологик асослар, ижтимоий психологик детерминантлари, ўқитувчиларда шаклланган касбий мотивлар, толерантлик ва эмпатик қобилиятлар каби масалалар ҳам кенг ёритилган.

**Калит сўзлар:** Ўқитувчи, таълим, педагогик фаолият, ўз устида ишлаш, толерантлик, эмпатик қобилият, муваффақият мотивлари, билим, малака, касб, ўз-ўзини ривожлантириш.

## **СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ НАВЫКОВ САМОРАЗВИТИЯ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ФУНКЦИИ**

**Шакарбоева Шахноза Абдулакимовна**  
**преподаватель кафедры «Общей психологии» Джизакского**  
**государственного педагогического института**

**АННОТАЦИЯ:** Статья посвящена социально-психологическим аспектам развития способности к саморазвитию у будущих учителей. В статье также рассматриваются такие вопросы, как психологические основы, социально-психологические детерминанты, профессиональные мотивации, сформированные у учителей, толерантность и эмпатические способности, влияющие на способность работать над собой в педагогической деятельности.

**Ключевые слова:** Учитель, образование, педагогическая деятельность, самосовершенствование, толерантность, эмпатическая способность, мотивы успеха, знания, умения, профессия, саморазвитие.

Бўлажак ўқитувчиларни ҳар томонлама баркамол қилиб тайёрлаш ҳамда уларнинг касбий тайёргарлигининг психологик масалалари, ҳозирги кунда педагогика таълим йўналишидаги университетлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири саналади. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларни таълим-тарбия шароитларига тайёрлаш ўта машаққатли иш ҳисобланади.

Чунки, касб эгаларини фақат соҳага оид кўникма ва малакалар орқали билимларини ошириш эмас, балки, ижтимоий – психологик хусусиятлар ҳисобланган эмпатия малакаси, толерантлик сифатлари, коммуникатив маданияти, социал интеллект даражаси кабилар орқали ҳам малакаларини ошириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу ўринда савол туғилади? Педагогларга хос саналган ўз устида ишлаш фаолияти нималар билан тушунтирилиши керак? Бундай саволларга жавоб излаш учун, ўқитувчи шахсига хос бўлган, айрим ижтимоий – психологик сифатлар мазмунини таҳлил этиш лозимдир. Ижтимоий педагогика соҳасининг етакчи олими Н.В.Бодровскаянинг айтишича, ўқитувчилар фаолиятидаги пассивлик, ўз соҳасида бирор янгиликларни амалга оширишни истамаслик, жамият талабларига нисбатан бефарқлик, паст ижтимоий касбий фаоллик, касбий алтруизим(фидоийлик)нинг пастлиги, эмпатия қобилиятининг етишмаслиги каби омилларни мисол қилиб олиш мумкин[1,97]. Мазкур параграфда биз, педагогик фаолиятда ўз устида ишлаш фаолиятига сабаб бўлувчи баъзи ижтимоий-психологик сифатлар таҳлилига эътибор қаратишни лозим топдик. Л.В.Веденева қарашларига кўра, умумтаълим мактабларида муваффақиятли педагогик фаолият олиб бориш учун, аввало, бўлажак ўқитувчиларда эмпатия (хамдардлик) ҳиссий яхши шаклланган бўлиши лозим[2,23]. Чунки, бошқаларнинг ҳиссиётлари ҳақидаги билим, бошқани тушуниш, бирор ҳодиса ва янгиликни бошқалар билан баҳам кўриш бу, эмпатия тушунчаси мазмунига тегишли ҳисобланади.

Е.А.Ичаловскаяга кўра, ўқитувчилардаги эмпатик қобилият кўринишлари қуйидаги ҳолатлар орқали тушунтирилади[3,13]:

- Ўқувчиларнинг хулқ – атворини тез англай олиш;
- Ўз билим ва малакаларини бошқа инсонлар билан баҳам кўриш қобилияти;
- Бошқаларнинг ҳиссий кечинмаларига ҳақиқий шерик бўла олиш, болаларнинг ҳар қадай истакларига сезгирлик;
- Бошқаларни қандай бўлса, шундай қабул қилиш, уларнинг ҳис-туйғулари, фикрлари ва муносабатларини тушуна олиш;
- Шахсий манфаатлардан йироқлашиб, бошқалар манфаатларига кўпроқ қайғуриш ва ҳоказо. Демак, ҳар бир бўлажак ўқитувчи нафақат ўз манфаатлари билан балки, бошқалар манфаатлари билан ҳам ҳамнафас яшаши керак. Эмпатия қобилияти худди шу сифатларга хизмат қилади.

Бошқалардан фарқли ўлароқ, Дж.Эганнинг таърифича, таълим жараёнидаги ўқитувчининг эмпатик қобилияти қуйидаги ижтимоий – психологик жиҳатлар билан тавсифланади [4,17]:

- Бошқаларга меҳрибон бўлиш, уларни кузата олиш, реакциялари, ҳолатлари ва хусусиятларини идрок этишда диққат эътиборли бўлиш;
- Ўқувчиларни тарбиясида ота-онанинг ролини бажара олиш қобилияти;
- Ҳар қандай кечинмалар ва истак –ҳохишларни тез идрок эта олиш;
- Таълим субъектларини баҳолашда объектив ёндошувга эга бўлиш;
- Болаларни фидоийлик руҳида тарбиялай олиш малакаси;

- Ўз касбига содиқлик ҳамда касбий ташаббус кўрасата олиш;
- Тажрибасиз кишиларга доим ёрдам беришга тайёрлик;
- Соҳага оид ҳар қандай янгиликлар, янги ёндошувлар, истиқбол режалар кабиларни бошқаларга ҳам баҳам кўра олиш ва ҳоказо.

Н.А.Мозговая таълим – тарбия жараёни учун муҳим саналган, бошқаларга ғамхўрлик қилиш қобилияти ҳақида тўхталиб, шундай дейди: “Ўқитувчининг эмпатик қобилиятлари, аввало уларни тайёрлашга мосланган услубий –методик жиҳатлар билан ҳам такомиллаштирилиши лозим”[5,40]. Яъни шахсда эмпатик муносабатларни шакллантиришга ёрдам берувчи психологик тренинглари, ролли ўйинлар ва бошқа услубларнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилган.

Тадқиқотчи А.Н.Насифуллина педагогларда ўз устида ишлаш қобилиятини таъминлаб берувчи эмпатик (ҳамдардлик) қобилиятларнинг ижтимоий – психологик асосларни қуйидагича таснифлайди [6, 194]:

- Эмпатия бу - ақлий жараён сифатида, яъни у касбий динамизм, касбий этикавий тамойил, индивидуал –психологик хусусиятлар билан узвий боғлиқ;

- Эмпатия бу - бошқаларни ички дунёсини ўз идрокида моделлаштира олиш жараёни;

- Эмпатия бу – ўқувчиларнинг натижаларидан завқланиш, уларга яънада билим беришга иштиёқ;

- Эмпатия бу-таълим субъектларини ҳар қандай шароитда қўллаб – қувватлаш;

- Эмпатия бу – гуруҳ билан яхши муносабатда бўла олиш, уларнинг орзу –ҳавасларига шерик бўлиш;

- Ўқувчиларни қийнаб келаётган ҳамда улар учун мураккаб саналган вазифаларни енгиллаштира олиш кўникмаси ва ҳоказо.

Биринчидан, ўқитувчининг муваффақиятли фаолияти учун шарт саналган ҳамдардлик хусусияти, фақат ижодий фаолиятининг асосий стратегияси эмас, балки, ўзлаштириши қийин бўлган ўқувчиларга нисбатан нисбатан ҳам, ҳамдардлик қобилияти ҳам саналади.

Иккинчидан, таълим – тарбия беришдаги ҳамдардлик нафақат бошқалар келажаги ҳақида қайғуриш, унинг ички дунёсига бутунлай шўнғиш шунингдек, бошқалар тақдири учун жавобгар шахс бўла олиш ҳамдир.

Учинчидан, педагогик ҳамдардлик натижаси ҳар доим ҳам ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида самарали тарзда кечмайди чунки, таълим жараёни турли таъсир ва шарт-ашроитлар орқали бутунлай ўзгариши мумкин.

Тўртинчидан, бошқаларни билим ва кўникмалар билан тарбиялаш бу кенг мазмундаги тушунча бўлиб, у нафақат ижтимоий-психологик билимларни, балки педагогик, фалсафий, тиббий, социологик билимларни ҳам таҳлил этишни талаб этади. Шунинг учун, педагогик фаолиятдаги ютуқлар бир соҳа учун эмас, бошқа соҳа тадқиқотчилари учун ҳам предмет ҳисобланади.

Психология фанига оид янги луғат китобида таърифланишича, ўқитувчи доим ўқувчиларга ўргатиш зарурати билан яшайди. Мазкур

вазиятда ишончга эришиш, биргаликда ҳамкорлик фаолиятини амалга ошира олиш масаласи эътиборни тортади. Яъни ўқитувчининг фаолият субъекти сифатидаги, индивидуал-психологик хусусиятлари кўпроқ натижани белгилайди.

В.Ф.Феофиловага таъкидича, бўлажак ўқитувчиларнинг дарс машғулотларига касбий ва шахсий тайёргарлигининг ижтимоий-психологик модели қуйидаги қисмларга эга[7,99]:

1. Ташкилий тайёргарлик:

– Ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини, фан қонуниятларини илмий асослай олиш;

– Фаннинг мақсад ва вазифаларни аниқ шакллантира олиш;

– Вақт тақсимлай олиш ва тадбирлардаги режалилик;

– Бошқаларни атроф-муҳит сир-синаотларига йўналтира олиш;

– Бошқарув психологиясини ва низоларни бошқариш асосларини яхши билиш;

– Касбий фаолиятнинг аниқ режаларини моддийлаштира олиш;

– Замонавий ахборот технологиялари яхши билиш ва улардан оқилона фойдалана олиш;

– Мулоқот психологиясини яхши билиш, мулоқотни ташкил эта олиш кўникмаларига эга бўлиш;

– Нотиқлик санъатига эгаллик ёки ораторлик қобилиятининг мавжудлиги;

– Таълим тилидан ташқари, иккинчи тилни ҳам билиш ва ҳоказо.

2. Психологик ва коммуникатив тайёргарлик:

– Турли жамиятлар, ижтимоий институтлар, ижтимоий гуруҳларга хос мулоқот ҳамда ахлоқ қоидаларини яхши билиш;

– Ижтимоий-психологик ҳодисаларни билиш ва ушбу билимларни жамоада ишлаш жараёнида ҳамда ўз касбий фаолиятида қўллаш олиш;

– Ижтимоийлашув ҳодисалар, механизмлар ва йўналишлар мазмунини билиш;

– Мулоқот маданиятига эга бўлиш;

ҳиссий ҳолатингизни бошқара олиш;

– Таълим-тарбия беришда сабр-бардошли бўла олиш.

Бизнича, талабалар жамоаси нафақат малакали кадрлар балки, жамият ҳаётида зиёлилар қатламини кўпайтириш манбаи ҳам ҳисобланади.

И.М.Юсуповнинг талқинича, олий маълумот олиш ўзига хос мураккаб фаолият саналсада, унга эришиш иқтисодий имконият, ижтимоий шарт-шароит қабиларга ҳам боғлиқ саналади[8,23]. Бунда инсоннинг таълим олишдаги имкониятлари назарда тутилади.

Талабалар жамоаси бу - жуда ҳаракатчан ижтимоий гуруҳ, унинг таркиби ҳар йили ўзгариб туради яъни касбий кўникма ва малакаларга эга бўлган қисм, касб эгаси сифатида ўз фаолиятини бошлайверади. Шунингдек, олий маълумот олишдаги мақсадларнинг умумийлиги, меҳнатнинг бир хиллиги яъни ўқиш, турмуш тарзи, университет ишларида фаол иштирок

этиш каби омиллар, бўлажак ўқитувчиларда ҳамжиҳатлилик сифатларини шакллантиришга катта ёрдам беради.

Бўлажак ўқитувчилар янги шароитларга тез мослаша олиши лозим. Ўқитувчи бўлиш учун ўзига хос педагогик мезонлар мавжуд. Масалан, талаблар амалиёт пайтида назарий билимларни амалда қўллашни ўрганадилар. Ушбу вазиятда бўлажак ўқитувчилар қуйидаги функцияларни бажаришлари лозим ҳисобланади:

- Синфдаги вазиятни кузатиш ( идрок этиш функцияси);
- Янги материални тақдим этиш (когнитив функцияси);
- Ўқувчиларни йўқлама қилиш (бошқариш функцияси);
- Ўқувчиларнинг самарали ишлашини таъминлаш (ташкилий функция),
- Ўқувчилар билан, умуман синф билан етарли даражада мулоқот ўрнатиш (коммуникатив функция),

Юқорида қайд этилган функциялар муваффақиятли фаолият учун етарли бўлмайди бироқ, мазкур вазиятда бўлажак ўқитувчининг олдида бир муаммо пайдо бўлади, яъни автоматик малакалар ҳамда вақт билан ишлаш, низоли вазиятларни олдини олиш ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам, касбий тайёргарлик ишларида, ижтимоий муносабатларга нисбатан компетенцияни шакллантириш ўта муҳим саналади.

Е.С.Головневанинг хулосаларига кўра, бўлажак ўқитувчиларда ўз устида ишлаш фаолиятини такомиллаштиришнинг мотивацион-ориентацион компонентлари мавжуд бўлиб, у қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади[9,45]:

- Гендер муаммолари тўғрисида хабардорлик;
- Таълимда гендер тенглик ғоясига амал қилиш ва камситишнинг барча кўринишларига йўл қўйилмаслик, зўравонликдан йироқ йўриш;
- Мактаб ўқувчиларини таълим муҳитига яхши ижтимоийлаштира олиш;
- Ўғил ва қиз ўқувчиларга нисбатан бағрикенглик муносабатида бўлиш, уларни ҳар жиҳатдан тушуна олишга эришиш.

Бўлажак умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги мезонларига қуйидагилар ҳам киритилиши лозим.

- Фан бўлимлари бўйича асосий тушунчаларга эга бўлиш;
- Ўқувчи шахсида ижтимоийлашув жараёни кечиши қонуниятларини билиш;
- Ўзлаштиришнинг психофизиологик хусусиятларини билиш;
- Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини ўрната олиш;
- Эмоционал интеллектга эга бўлиш;
- Ижтимоий фаол ва сезгир бўлиш;
- Синфда комформизм муҳитини ярата олиш;
- Бошқаларни ягона мақсад сари бирлаштира олиш;
- Бошқарув сифатларига эга бўлиш;
- Стрессли вазиятларга бардошли бўлиш;
- Ижтимоий онга эга бўлиш;

- Этник мансублик сифатларининг мавжудлиги;
- Ижтимоий адолат туйғусига эгалик;
- Инсонпарварлик ва объективлик тамойилиги амал қилиш ва ҳоказо.

Таълим - тарбия бериш жараёнида ўқитувчилар ўзига хос коммуникация (мулоқот) муҳити яратиб, у орқали ўқувчиларда фанга оид билимлар шакллантирилади. Қуйида бўлажак ўқитувчиларнинг муваффақиятли фаолиятига сабаб бўлувчи, коммуникация (алоқа боғлаш) хусусиятларига тўхталиб ўтамиз.

М.Г.Рогов фикрича, алоқа тушунчаси мазмунида қуйидагилар ажратилади[10,64]:

1. Алоқа- ижтимоий муносабатларнинг семантик томони ҳисобланади;
2. Алоқа-маълумотларни шахс томонидан бошқа шахсга ўзатиш жараёни;
3. Алоқа- инсонлар ўртасидаги маданий бирлик;
4. Алоқа - ахборот алмашувчиларни боғлайдиган маълумот канали;
5. Алоқа - маълумот беришдаги ўзаро таъсир ва қабул қилиш қобилияти;
6. Алоқа - маълумотларни узатиш ва олиш жараёни;
7. Алоқа – инсонларнинг бир-бирига ўзаро таъсир ўтказиши, ўз фикрлари ва қизиқишларини алмашиш жараёнидир;
8. Алоқа - инсонларнинг кайфияти ва ҳис-туйғулари акс этган хабар;
9. Алоқа - бир инсоннинг бошқа инсонга ғоя етказиш жараёни;
10. Алоқа - Ахборот олувчи шахснинг билими, бошқаларга ижтимоий муносабати ва хулқ-атвори кабиларни ўзгартирувчи манба.

Юқоридаги таснифдан кўринадикки, моҳиятан алоқа феномени маълумот алмашишдир жараёнидир.

Демак, ролларни бажаришда мулоқот субъектлари бири хабар берувчи, инккинчиси хабар олувчи сифатида талқин этилади.

Баъзи психологик адабиётларда коммуникатив қобилият тушунчаси икки томонлама ҳамкорлик жараёни яъни шахснинг маълумотга муҳтожлик ҳолати деб қаралади.

А.А.Крылов инсонлар ўртасидаги алоқа мавжудлигини бир қатор хусусиятлар билан тавсифлайди[11,108]:

1. Икки шахс ўртасидаги муносабатларда уларнинг ҳар бири фаол саналади, яъни улар ҳамкорликдаги фаолият субъектлари саналади;
2. Ҳамкорликдаги фаолиятда улар ўзаро таъсир этиш томонлари саналади;
3. Бир шахс бошқа шахс учун ахборот узатувчи тизим саналади.

Инсонлар ўртасидаги алоқа муносабатлари доим ҳам барқарор ривожланишда бўлмайди. Мактабгача ёш даври мулоқотдаги тўсиқлар пайдо бўлишининг айни ёш босқичи саналади.

Демак, мулоқотда шериклар бир-бирларини тушунишлари ва бир хил тилда гаплашишлари ҳамда бир-бирларига ишонишлари лозим саналади.

Шахсда билимларни ўзлаштиришнинг мияда маълум бир асослари мавжуд яъни инсонга берилган ҳар қандай сўзнинг маъносини ўзгартириши

шунингдек, бошқа сўларнинг маъноларини яратиши учун туғма қобилиятини белгилайди.

Бундай назария хатти-ҳаракатлар тушунчаларига мутлақо қарши саналади. Яъни тадқиқотчилар боланинг ривожланиши учун ўзаро таъсирлашиш муҳитини эмас, кўпроқ туғма биологик тузилмалар аҳамиятини эътиборга оладилар.

Юқорида келтирилган таъриф педагогик мулоқотнинг мураккаблиги ва мукамаллиги, ундаги ижтимоий-психологик қонуниятларининг энг характерли, энг қулай усулларда пайдо бўлиш шакллари тушунишга имкон беради. Бироқ, фаолият билан бир қаторда, мазкур муаммони таҳлил этишга имкон берувчи бошқа психологик ёндашувлар ҳам мавжуд.

Айрим тадқиқотларда маълумот олиш, коммуникатор ва тингловчиларнинг хусусиятлари, коммуникация шароитлари ва воситалари илмий асосда ўрганилган. Ушбу ёндашувнинг марказий тушунчалари сифатида “ахборот”, “тизим”, “ўзаро таъсир” каби тушунчалар қабул қилинган:

– Норматив қисм, бу коммуникациянинг шахсларо жиҳатини ифодалаб, унда инсонлар ўртасида маълумотлар алмашилади;

– Эпистимологик қисм, бу ахборот беришнинг когнитив жиҳати саналиб, объект ва субъектнинг ўзаро бир-бирларини тушуниши акс этади;

– Интерфаол қисм, бу ахборот алмашиш жараёнида шахсларнинг ўзаро муносабатлари, ўзаро мулоқот мотивларини қондиришга қаратилган психологик механизмлар мазмуни саналади.

Тан олиш жоизки, педагогик фаолиятнинг самарадорлиги ҳамда ўқитувчиларнинг ижодий ишлаш кўникмаларида, шахсда шаклланган коммуникатив компетенция омилининг ҳам роли юқори саналади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бордовская Н.В., Реан А.А. Педагогика. Учебное пособие СПб.: Питер, 2008. – 304 с.
2. Веденеева Л.В. Становление эмпатии у будущих учителей в условиях гуманизации учебно-воспитательного процесса: Дис. . канд. психол. наук. — Волгоград, 2001. – 194 с.
3. Ичаловская Е.А. Роль эмпатии во взаимоотношениях педагога и подростка // Наш проблемный подростковый возраст. Воронеж, 1998. – С.13-14.
4. Иган Дж. Базисная эмпатия как коммуникативный навык // Журнал практической психологии и психоанализа. №1, 2000 . – С. 1-18.
5. Мозговая Н.А. Формирование эмпатийной установки в подготовке учителя // Профессиональное творчество педагога: Сб. науч. ст. Шадринск: Изд-во Шадр. ПО «Исеть», 1997. - С.40-50.
6. Насифуллина А.Н. Содержание и методы формирования эмпатической культуры у студентов педвуза: Дис. . канд. пед. наук. Казань, 1994. – 179 с.
7. Феофилова В.П. Особенности взаимодействия преподавателя и студента-М.: Изд-ий центр «Академия», 1996. – 169 с.

8. Юсупов И.М. Психологические условия повышения эффективности обучения в педвузе // Межвуз. сб. науч. тр. М.: МГПИД, 1992. – 125 с.
9. Головнева Е. Проблемы повышения эффективности формирования потребностно-мотивационной сферы будущих учителей / Е. Головнева // Журнал Прикладная психология и психоанализ. 2004. - №1. – С.45.
10. Рогов Е.И. Учитель как объект психологического исследования. М.: Гуманит. Изд. Центр ВЛАДОС, 1998. – 496 с.
11. Крылов А.А., Суходольский Г.В. Психологические аспекты человекознания // Человек в зеркале наук. Л., 1993. Вып.2. - С. 108 -113.
12. Kamolova, S. (2022). ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5191>
13. Shirin Kamolova, [РАСШИРЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ СТУДЕНТОВ](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 (2020): [Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)
14. Shirin Kamolova, [САМОВОСПИТАНИЕ – ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ГАРМОНИЧНО – РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 (2020): [Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)
15. Shirin Kamolova, [ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 (2021): [Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)
16. Shirin Kamolova, [THE ROLE OF UNIVERSAL AND SCIENTIFIC VALUES IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF FUTURE TEACHERS](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогика и психологии в современном образовании
17. Shirin Kamolova, [ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: Том 2 № 5 (2022): Журнал педагогика и психологии в современном образовании
18. Shirin Kamolova, [ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ](#), Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогика и психологии в современном образовании
19. Shirin Kamolova, [АВЕСТОДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙИ- ПСИХОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ](#), Журнал Педагогика и



психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari

20. Shirin Kamolova, [IMPLEMENTATION OF PEDAGOGICAL ETHICS IN FUTURE TEACHERS](#), Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari